

Жиноят ишининг рақами
1-1501-2304/2378

Биринчи инстанция судида раислик
қилган судья – К.Рахимов
Апелляция инстанциясида маърузачи
бўлган судья – Т.Вахобов
Тафтиш инстанциясида маърузачи
бўлган судья – Б.Мамажонов

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2024 йил июнь ойининг 11 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг ўз биносидаги очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Мамажонов,

ҳайъат судьялари: О.Мирсадиқов ва Р.Зариповдан иборат таркибда, М.Иномхоновнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори Н.Аскарлов, ҳимоячи А.Садиковнинг иштирокида, НКга оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси келтирган тафтиш шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 24 ноябрдаги ҳукмига кўра:

ААА шахрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, муқаддам жиноят ишлар бўйича Фарғона туман судининг 2021 йил 12 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 57, 62-моддаларига асосан 4 йил 7 ой 21 кун озодликни чеклаш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2023 йил 10 августдаги ажримига кўра, 48¹-моддаси тартибида ўталмай қолган 2 йил 7 ой 18 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жазони ўтаётган, БББ-уйда яшаган, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган НК

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 60, 61-моддалари тартибида 3 йил озодликдан маҳрум жазосига судланган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 4 январдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521²-моддасига асосан, суд мажлиси жазони ижро этиш муассасасида бўлган НКнинг иштирокисиз ўтказилди.

Суднинг ҳукмига кўра, НК 2022 йил январь ойида таниши ААнинг иш



жойи ҳисобланган Фарғона шаҳар, ҚҚҚ кўчаси, 34-уйда жойлашган автомашина таъмирлаш устахонасига бориб, ААга бир неча кун ичида “метангаз” учун мўлжалланган газ балон олиб келиб беришини айтиб-алдаб, унинг 3.245.700 сўмга тенг 300 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан кўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборганликда айбли деб топилган.

НКнинг ҳимоячиси шикоятда, уни қилмишига иқрор ва пушаймонлиги ҳамда оилавий шароитини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Жабрланувчи АА эътирозномасида, шикоятга эътирози йўқлигини билдирган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Мамажоновнинг маърузасини, прокурорнинг суд ҳукми ва апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи А.Садиковнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукми ва апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган НКнинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган.

НКнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг судда қилмишига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи АА ва гувоҳ М.Мнинг суддаги кўрсатувлари, хабарнома, ариза, тушунтириш хатлари, нарсани кўздан кечириш ва юзлаштириш баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Тафтиш инстанцияси суди суд томонидан НКга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар-бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, унинг шахси, оилавий шароитини, содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини ҳисобга олиб, унга нисбатан айбланган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, шунингдек, ЖКнинг 60, 61-моддаларига асосан илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазони қисман қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келингани сабабли, унинг ҳимоячиси келтирган шикоят важлари билан келишмади.

Суд қарорларини ўзгартириш ва бекор қилиш учун асослар аниқланмади.



Шу сабабли, тафтиш инстанцияси суди НКга оид суд ҳукми ва апелляция инстанциясининг ажримини ўзгаришсиз, тафтиш шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Тафтиш инстанцияси суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

НКга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 24 ноябрдаги ҳукми ҳамда Фарғона вилоят суди жиноят ишлари судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 4 январдаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи	/имзо/	Б.Мамажонов
Ҳайъат судьялари	/имзо/	О.Мирсадиков
	/имзо/	Р.Зарипов
Ажрим нусхаси аслига тўғри, вилоят суди судьяси		Б.Мамажонов

